



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2024 yil « 2 » февраль

№ ПК-54

Таълим соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, таълим ташкилотлари фаолиятини илғор хорижий амалиётлар асосида ташкил этиш, педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини қўшимча қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Таълим соҳасидаги кадрлар салоҳиятини ошириш, таълим ташкилотларида ўқув жараёнлари ва хизматлар кўрсатишни янги тамойиллар асосида ташкил этиш, таълим хизматлари сифатини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш, ислоҳотларни янада жадаллаштириш мақсадида давлат муассасаси шаклида “**Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази**” лойиҳа оғиси (кейинги ўринларда – Лойиҳа оғиси) ташкил этилсин.

“Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа оғисининг асосий фаолият йўналишлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Лойиҳа оғиси **2024 йилда** қўйидагиларни амалга оширсин:

педагог кадрларни **тайёрлаш**, қайта тайёрлаш ва уларнинг **малакасини ошириш** тизимини таҳлил қилиш, ўқитувчиларнинг билими ва қизиқишига мос бўлган табақалаштирилган таълим дастурларини жорий қилиш, мазкур жараёнга нодавлат ва халқаро ташкилотларни жалб қилиш;

педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотларини тизимили ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг таълим дастурларини умумий ўрта таълим ташкилотлари ўқув **дастурлари билан** ўйғунлаштириш;

профессионал таълимдан сўнг олий таълимни давом эттириш имкониятларини янада кенгайтириш, уч йиллик таълим дастурлари асосида амалий бакалавриат бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

ўқувчилар ривожланишига **психологик-педагогик** жиҳатдан ташхис қўйиш, уларнинг **қобилияти** ва **мойилликларини** аниқлаш бўйича замонавий усулларини жорий қилиш ҳамда ёшларни **касб-ҳунарга йўналтириш** фаолиятини такомиллаштириш;

таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг айрим **функцияларини** (таълим ташкилотлари рейтингини аниқлаш, таълим дастурларини аккредитациядан ўтказиш ва бошқалар) **нодавлат**, шу жумладан **халқаро ташкилотларга** аутсорсингга бериш бўйича таклифлар тайёрлаш;

таълим соҳасида **хусусий сектор** улушини **янада ошириш** учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жумладан уни молиявий қўллаб-қувватлашнинг **самарали механизмларини** жорий қилиш.

3. Таълим соҳасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

Лойиҳа оғиси директори Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

Лойиҳа оғиси директорига тегишинча мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринbosари ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринbosари учун белгиланган ваколатлар берилади;

Лойиҳа оғиси директори икки нафар ўринbosарга эга бўлади;

Лойиҳа оғиси **штат бирликлари** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизими ташкилотларининг амалдаги штатлари доирасида шакллантирилади;

Лойиҳа оғиси **ҳар ойда** таълим соҳасини ислоҳ қилиш ҳолати, амалга оширилаётган чора-тадбирлар, ислоҳотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган омиллар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига **ахборот киритиб боради**;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, улар ҳузуридаги ташкилотлар ҳамда бошқа давлат органлари Лойиҳа оғиси томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг **белгиланган муддатларда сифатли амалга оширилишини таъминлайди**;

давлат органлари раҳбарлари Лойиҳа оғисига ҳар томонлама кўмаклашади, шу жумладан унинг сўровига кўра ўз ходимларининг ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни сақлаб қолган ҳолда эксперт сифатида юборилишини таъминлайди;

таълимга оид масалаларни тартибга солувчи **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда** Лойиҳа оғиси билан келишилиши шарт.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Лойиҳа оғиси фаолиятини **мувофиқлаштириб**, унинг самарали фаолиятини таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Лойиҳа оғисини **молиялаштириш манбалари** этиб қўйидагилар белгилансин:

2024 йилда – Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги учун Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар, 2025 йилдан бошлаб – Давлат бюджети параметрларида назарда тутиладиган маблағлар;

2024 йилда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **5 миллиард сўм** ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **5 миллиард сўм** миқдоридаги ажратмалар;

Лойиҳа оғисининг асосланган таклифларига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги ҳисобидан ажратиладиган маблағлар;

халқаро молия ташкилотлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар доирасида жалб қилинадиган грант маблағлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **бир ой муддатда** Лойиҳа оғисининг низомини, шунингдек, унинг тузилмаси, штат бирликлари сони, ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорлари ва уларни моддий рағбатлантириш шартларини тасдиқласин.

8. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази Лойиҳа оғиси, халқаро молия институтлари ва ташкилотлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) 2024 йил 1 сентябрга қадар ўқувчилар (талабалар)нинг эгаллаган билимини ва педагогларнинг малакаларини баҳолаш тизимини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштирунин;

б) 2024 йил якунига қадар 3-иловада белгиланган муассасалар фаолиятини қайта кўриб чиқсин ва улардаги таълим сифатини ошириш бўйича зарур чоралар кўрсунин;

в) 2024–2025 йилларда:

Профессионал таълим йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификаторини – Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига, таълим дастурларини эса – янгиланган касбий стандартлар ва малака талабларига мослаштирунин;

камида **14** та профессионал таълим муассасаларининг фаолиятига тажриба-синов тариқасида халқаро таълим дастурларини, камида **10** та олий таълим муассасаси фаолиятига – замонавий бошқарув усуслари ва таълим сифатининг юқори стандартларини жорий қилсунин;

педагогика, қишлоқ ва сув хўжалиги, техника, ахборот технологиялари ҳамда иқтисодиёт соҳасига оид таълим йўналишларининг халқаро аккредитациядан ўтказилишини таъминласин.

9. Лойиҳа офисига қўйидаги ҳуқуқлар берилсун:

тегишли вазирлик ва идоралар, уларнинг тизимидағи муассасалар, нодавлат таълим ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасаларининг тажрибали мутахассисларини шартнома асосида **Лойиҳа оғиси фаолиятига жалб қилиш**;

ишлаб чиқилган лойиҳаларни таълим ташкилоти, туман (шаҳар) ёки ҳудуд мисолида тажриба-синовдан ўтказиш;

давлат органлари ва ташкилотларидан зарур статистик, таҳлилий ҳамда бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат органлари ва ташкилотларининг электрон ахборот тизимларидан бепул фойдаланиш.

10. Лойиҳа оғиси директорига хорижий мутахассислар, эксперт, консультант ва маслаҳатчиларни **тўғридан-тўғри шартномалар** асосида жалб этиш, ишга қабул қилиш ва уларга иш ҳақини миллий ёки чет эл валютасида, шу жумладан маблағларни уларнинг хориждаги ҳисобварақларига ўтказиш орқали тўлаш, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар, уларнинг таркибий тузилмалари мутахассисларини ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларига жалб қилиш, улар иштирокида эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳларни тузиш ҳуқуқи берилсун.

11. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

бир ой муддатда Лойиҳа оғиси фаолиятини ташкил этиш, шу жумладан уни жиҳозлаш, зарур моддий-техник воситалар ва алоқа турлари билан таъминлаш чораларини кўрсинг;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинг.

12. Ушбу қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мактабгача ва мактаб таълими вазири X.У. Умарова ҳамда олий таълим, фан ва инновациялар вазири К.А. Шарипов белгилансинг.

Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансинг.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 2 февралдаги ПҚ-54-сон қарорига
1-илова

“Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа оғисининг асосий фаолият йўналишлари

Қуйидагилар “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа оғисининг асосий фаолият йўналишлари ҳисобланади:

а) таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар ва истиқболли ташаббусларни ишлаб чиқиш;

б) халқаро ташкилотлар, молия институтлари, консалтинг компаниялари ва мутахассисларнинг тавсияларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, мақбул ташаббусларнинг самарали имплементация қилинишини таъминлаш;

в) етакчи эксперталар, консультантлар, маслаҳатчилар ва жамоатчиликни кенг жалб қилган ҳолда таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

г) таълим турлари ва даражалари ўртасида узвийликни ва узлуксизликни таъминлаш, давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқида вазирлик ва идораларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиқдаги фаолиятини йўлга қўйиш;

д) таълим ташкилотларида таълим сифати маданиятини шакллантириш, ўқув дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказишида вазирлик ва идораларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

е) таълим сифатини назорат қилиш йўналишида халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, хорижий ва халқаро баҳолаш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш.

**Таълим соҳасини тақомиллаштиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича
“йўл харитаси”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
I. Мактабгача ва мактаб таълими соҳасини тақомиллаштиришнинг устувор йўналишлари					
1.	Битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ҳамда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини унификация қилиш.	1. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш бўйича битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ҳамда олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини унификация қилиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш. 2. Ишлаб чиқилган таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2024 йил июнь 2024 йил июль	–	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази (В.Хамидов), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа оғиси
2.	Педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш.	1. Педагог кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасаларининг ўқув режа ва ўқув дастурларини таҳлил этиш.	2024 йил август	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига республика	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов),

		<p>2. Олий таълим мұассасаларининг ўқув режа ва ўқув дастурларини ҳамда улардаги таълим жараёнини үмүмий ўрта таълим ташкилотлари дастурлари асосида қайта ишлаб чиқиш.</p> <p>Бұнда, педагогика таълим йұналишлари ўқув режаларидан талабаларнинг методик тайёргарлығы бүйічә ажратилған фанлар үлүшини камида 50 фоизга етказышни таъминлаш.</p> <p>3. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бүйічә таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2025 йил январь	бюджетидан ажратилған маблағлар, халқаро ташкилотларнинг грант маблағлари	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази (В.Хамидов), "Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази" лойиҳа офиси
3.	Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш.	<p>1. Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказлари фаолиятини, профессор ўқитувчилар таркибини, ўқув режа ва дастурларини таҳлил қилиш.</p> <p>2. Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказларини трансформация қилиш бүйічә таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2024 йил июль	-	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази (В.Хамидов), "Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази" лойиҳа офиси
4.	Умүмий ўрта таълим мұассасаларыда маңнавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш механизмларини жорий этиш.	1. Умүмий ўрта таълим мұассасаларыда маңнавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, ўқувчилар тарбияси ва одоб-ахлоқи ҳамда уларда ватанпарварлық түйғуларини тарбиялашнинг вертикал тизимини ишлаб чиқиш.	2024 йил давомида	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига республика бюджетидан ажратилған	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Ўзбекистон маҳаллалари

		2. Ўқувчиларни тарбиялаш ва уларнинг давоматини яхшилаш бўйича “маҳалла еттилиги” билан биргаликда жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш.		маблағлар	уюшмаси (К.Куранбаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
5.	Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг ўз ҳаёт йўлларини танлашига кўмаклашувчи тизим яратиш.	1. Умумий ўрта таълим муассасаларида психологлар фаолиятини таҳлил этиш. 2. Психологларнинг сифат таркибини яхшилаш бўйича тренинглар ташкил этиш. 3. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис марказини трансформация қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. 4. Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларининг қобилияти ва мойилликларини аниқлаш, уларнинг ривожланишига психологик-педагогик жиҳатдан ташхис қўйиш ҳамда уларни келажакда долзарб бўладиган касбларга йўналтиришнинг замонавий усусларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш.	2024 йил июль 2024 йил давомида 2024 йил август 2024 йил сентябрь	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига республика бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан ажратилган маблағлар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази (В.Хамидов), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа оғиси
6.	Нодавлат таълим соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича самарали механизmlарни жорий қилиш.	1. Нодавлат таълим соҳасида маъмурӣ тартиб-таомилларни қисқартириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш. 2. Нодавлат таълим соҳасида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2024 йил август	–	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова), Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази

		3. Тавсия ва таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш.			(В.Хамидов), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси
--	--	---	--	--	--

II. Профессионал ва олий таълим соҳасини тақомиллаштиришнинг устувор йўналишлари

7.	<p>Профессионал таълим мұассасаларининг ўқув жараёнига ривожланган хорижий давлатларнинг таълим дастурлари (curriculum) асосида ишлаб чиқылған дастурларни жорий қилиш.</p>	<p>1. Халқаро таълим дастурларини жорий этиш бўйича халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва битим имзолаш.</p> <p>2. Халқаро таълим дастурлари жорий қилинадиган касб ва мутахассисликларни танлаб олиш.</p> <p>3. Ижодий гуруҳларни шакллантириш ва халқаро таълим дастурларини таржима қилиш.</p> <p>4. Таржима қилинган халқаро таълим дастурлари асосида мазмунига миллий сегментни сингдирган ҳолда янги таълим дастурларини ишлаб чиқиши.</p> <p>5. Халқаро таълим дастурлари талабларидан келиб чиқиб таълим дастурларининг ўқув юкламаларини қайта кўриб чиқиши ва оптималлаштириши.</p> <p>6. Ўқувчиларга бериладиган малакалар асосида Профессионал таълим йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификаторига тегишли ўзгартиришлар киритиш.</p> <p>7. Ишлаб чиқылған таълим дастурларини профессионал таълим мұассасаларида жорий этиш.</p>	<p>2024 йил сентябрь</p> <p>2024 йил ноябрь</p> <p>2025 йил февраль</p> <p>2025 йил апрель</p> <p>2025 йил май</p> <p>2025 йил июнь</p> <p>2025/2026 ўқув йилидан бошлаб</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов)</p>
----	---	--	--	--	---

8.	<p>Профессионал таълим муассасалари ўқувчиларининг ўз таълим мини олий таълим муассасаларида давом эттириш имкониятларини янада кенгайтириш.</p>	<p>1. Касб-ҳунар таълимининг олий таълим билан интеграциясини кучайтириш, жумладан таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашни “2+2”, “1+3” ва бошқа схемалар асосида ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p> <p>2. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва ҳузуридаги профессионал таълим муассасаларида TESOL, TEFL ўқув курслари ва Миллий малакалар рамкасининг 3–5-даражадаги малакаларни беришга йўналтирилган қўшма таълим дастурларини жорий қилиш ва уларнинг тегишли бакалавриат таълим йўналишлари билан интеграциясини таъминлаш.</p> <p>3. Тошкент архитектура ва қурилиш университетида ва ҳузуридаги профессионал таълим муассасаларида Миллий малакалар рамкасининг 3–5-даражаларига мос бўлган қўшма таълим дастурларини жорий қилиш ва уларнинг тегишли бакалавриат таълим йўналишлари билан интеграциясини таъминлаш.</p>	<p>2024 йил 1 сентябрь</p> <p>2024/2025 ўқув йилидан бошлаб</p> <p>2024/2025 ўқув йилидан бошлаб</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар</p>	<p>“Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа оғиси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), олий ва профессионал таълим ташкилотлари, тегишли вазирлик ва идоралар</p>
9.	<p>Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро ташкилотлар томонидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш тартибини белгилаш.</p>	<p>Таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонда фаолият юритиш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p> <p>Бўнда, қарор лойиҳасида:</p> <p>таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро ташкилотларга қўйиладиган талабларни;</p> <p>таълим сифатини баҳолаш бўйича халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонда аккредитациядан ўтиши ва фаолият юритиши тартибини назарда тутиш.</p>	<p>2024 йил август</p>	<p>–</p>	<p>“Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа оғиси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги (Х.Умарова)</p>

10.	<p>Миллий олий таълим муассасаларининг таълим дастурларини халқаро рейтинг ташкилотларининг биринчи 300 талик рўйхатига кирган олий таълим ташкилотларининг таълим дастурлари асосида таомиллаштириш.</p>	<p>1. Таълим дастурлари таомиллаштириладиган йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари рўйхатини шакллантириш. 2. Таълим дастурларини таомиллаштириш ва тасдиқланишини таъминлаш. 3. Такомиллаштирилган таълим дастурларини олий таълим муассасалари амалиётига жорий этиш.</p>	<p>2024 йил май 2024 йил август 2024 йил сентябрь</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси, олий таълим ташкилотлари, тегишли вазирлик ва идоралар</p>
11.	<p>Олий таълимдаги ўқув жараёни ва баҳолаш тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида таомиллаштириш.</p>	<p>1. Олий таълимда талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш тартибини таомиллаштириш. 2. Мустақил таълимни ташкил этишнинг илғор тажрибаларини жорий этиш. 3. Барча олий таълим ташкилотларида антиплагиат дастурларини жорий этиш. 4. Олий таълимдаги ўқув жараёни ва баҳолаш тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш.</p>	<p>2024/2025 ўқув йили давомида 2025 йил сентябрь 2025 йил сентябрь ойидан бошлаб 2025 йил август</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси, олий таълим ташкилотлари, тегишли вазирлик ва идоралар</p>
12.	<p>Олий таълимда таълим сифатини таъминлаш ва таълим хизматлари экспортини ошириш мақсадида халқаро меҳнат бозори талаблари асосида кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.</p>	<p>1. Халқаро меҳнат бозорларининг олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш. 2. Ўрганиш натижалари асосида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш бўйича таклифларни тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2024 йил декабрь 2025 йил апрель</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа</p>

		3. Халқаро мөхнат бозорларидаги әхтиёж ва талаблардан келиб чиқиб кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.	2025/2026 ўқув йилидан бошлаб		офиси, олий таълим ташкилотлари, тегишли вазирлик ва идоралар
13.	Олий таълимда профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш.	1. Профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича дунёдаги етакчи университетлар тажрибасини ўрганиш ва натижаси бўйича амалдаги тартибни такомиллаштириш юзасидан таклифларни шакллантириш. 2. Таклифларни олий таълим ташкилотлари мутахассислари ва хорижий эксперктлар иштирокида мухокамадан ўtkазиш. 3. Профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича янги тартибни жорий этиш.	2024 йил июнь 2024 йил декабрь 2025/2026 ўқув йилидан бошлаб	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси, олий таълим ташкилотлари, тегишли вазирлик ва идоралар
14.	Олий таълим тизимининг мөхнат бозори талабларига мувофиқлиги таъминлаш.	1. Кадрлар тайёрлаш жараёнига иш берувчиларни жалб этиш механизмларини такомиллаштириш. 2. Таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришда иш берувчиларнинг иштирокини кенгайтириш, манфаатдорлигини ошириш ва жавобгарлигини белгилаш юзасидан таклифларни тайёрлаш. 3. Талабалар амалиётини ташкил этиш ҳамда таълим дастурларини ишлаб чиқиша кадрлар буюртмачилари масъулиятининг аниқ чегараларини белгилаш.	2024 йил июль 2024 йил декабрь 2025 йил май	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига республика бюджетидан ажратилган маблағлар	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси, олий таълим ташкилотлари, тегишли вазирлик ва идоралар

15. Мұхандислик-техника йұналишида кадрлар тайёрлайдынан олий таълим мұассасалари ташкилий-бошқарув фаолиятini такомиллаштириш.	<p>1. Мұхандислик-техника йұналишидаги 33 та давлат олий таълим мұассасаларининг фаолиятини комплекс таҳлил қилиш бүйича ишчи гурӯхини ташкил этиш.</p> <p>2. Мұхандислик-техника йұналишидаги олий таълим мұассасаларидан:</p> <ul style="list-style-type: none"> кадрлар тайёрлаш йұналишлари ва қабул параметрларининг соxa тармоқларининг кадрларга бўлган реал эҳтиёжларига мувофиқлигини; моддий-техник база (замонавий лабораториялар ва асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги) ҳолатини; амалдаги ўқув дастурларининг ишлаб чиқариш технологиялари ва иш берувчиларнинг талабларига мувофиқлигини; талабаларнинг соҳадаги ишлаб-чиқариш ташкилотларида амалий билим олишини; профессор-ўқитувчиларнинг билим даражаси ва ўқув адабиётларининг амалиётга йўналтирилганлигини ўрганиш. <p>3. Ўрганиш натижалари бўйича асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2024 йил май</p> <p>2024 йил июнь – август</p> <p>2024 йил сентябрь</p>	<p>Тегишли олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, тармоқ ишлаб чиқариш корхоналари маблағлари</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов), Транспорт вазирлиги (И.Махкамов), Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (И.Норқулов), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа оғиси, тармоқ ишлаб чиқариш корхоналари</p>
16. Олий ташкилотларининг таълим ташкилотларини халқаро аккредитациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш.	<p>1. Нуфузли халқаро аккредитация ташкилотлари рўйхатини шакллантириш ва Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тасдиқлаш.</p> <p>2. Олий таълим ташкилотларида таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2024 йил май</p> <p>2024 йил июнь</p>	<p>Тегишли олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари</p>	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа оғиси,</p>

	<p>3. Халқаро ташкилотлар билан таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш бўйича шартномалар тузиш ва аккредитацияни белгиланган тартибда амалга ошириш.</p> <p>4. Таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш жараёнларининг мониторингини юритишни йўлга қўйиш.</p>	2024 йил июлдан бошлаб 2024 йил сентябрь		олий таълим ташкилотлари
17.	<p>Олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчиларининг хорижий давлатларда малака ошириши ва стажировкадан ўтишини ташкил қилиш.</p> <p>1. Олий таълим ташкилотларининг 40 ёшгача бўлган профессор-ўқитувчиларини хорижий мамлакатларга малака ошириш ёки стажировкага юбориш учун саралаб олиш.</p> <p>2. Саралаб олинган профессор-ўқитувчиларни хорижий мамлакатларга малака ошириш ва стажировкага юбориш.</p> <p>3. Малака ошириш ёки стажировка ўташ давомида ўрганилган илғор хорижий тажрибани олий таълим ташкилотида амалда жорий этилишини таъминлаш.</p>	2024 йил июнь 2024 йил июль—сентябрь 2024 йил сентябрь—декабрь	Тегишли олий таълим ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги (К.Шарипов), “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офиси, олий таълим ташкилотлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2024 йил 2 февралдаги ПҚ-54-сон қарорига
3-илова

**“Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа оғиси томонидан
биринчи босқичда фаолияти тақомиллаштириладиган муассасалар
РЎЙХАТИ***

T/p	Муассаса номи	Вазирлик (идора)дан бириктирилган масъул ходим
I. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимидағи муассасалар		
1.	Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 9-сон умумий ўрта таълим муассасаси	Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг биринчи ўринbosари У.Шарифходжаев
2.	Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологияк-педагогик республика ташхис маркази	Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг ўринbosари Ф.Боқиев
3.	Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети	Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг ўринbosари Т.Комилов
4.	Тошкент шаҳар Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази	Мактабгача ва мактаб таълими вазирининг ўринbosари С.Раджабов
5.	Тошкент шаҳри Учтепа туманидаги 129-сон умумий ўрта таълим муассасаси	Таълимни ривожлантириш республика илмий-методик маркази директори В.Хамидов
II. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги тизимидағи муассасалар		
6.	Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг биринчи ўринbosари К.Каримов
7.	Тошкент гидрометеорология техникуми	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг ўринbosари С.Бузрукхонов
8.	Тошкент молия институти ҳузуридаги академик лицей	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг ўринbosари Ш.Турдикулова

*) “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа оғиси томонидан биринчи босқичда фаолияти тақомиллаштириладиган муассасалар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси томонидан тегишили ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

